**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

# РАИС ҚАРОРИ

**Тошкент ш.** **№ 362** **2023 йил 4 июл**

**Диссертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган илмий журналлар рўйхатига қўшимчалар киритиш ҳақида**

Бозор, пул ва кридет илмий-амали журналининг 31.05.2023 й. 42-сон хати «Бозор, пул ва кридет» электрон илмий журналини иқтисодиёт фанлари бўйича ОАК тавсия этган илмий журналлар рўйхатига киритишни сўрайди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тўғрисида»ги низомнинг 7-банди ва Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг 2013 йил 11 апрелдаги 197/3-сон қарори билан тасдиқланган «Докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижалари эълон қилиниши лозим бўлган республика ва хорижий мамлакатларнинг нуфузли ихтисослашган илмий журналларини ОАК рўйхатига киритиш учун талаблар» Бозор, пул ва кридет илмий-амали журналининг (31.05.2023 й. 42-сон) мурожаати ва ОАК Иқтисодий ва рақамли иқтисодий интеграцион тадқиқотлар эксперт кенгашларнинг тавсиясига (26.06.2023 й., № 6) мувофиқ ОАК Раёсатининг 2023 йил 4 июлдаги 340/3-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарор қилади:**

**Иқтисодиёт фанлари** бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига **«Бозор, пул ва кридет»** илмий-техник журнали *(Бозор, пул ва кридет илмий-амали журнали)* киритилсин.

Асос: «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом»; Бозор, пул ва кридет илмий-амали журналининг (31.05.2023 й. 42-сон) мурожаати; ОАК Иқтисодий ва рақамли иқтисодий интеграцион тадқиқотлар бўйича эксперт кенгаши тавсияси (01.06.2023 й., №5); ОАК Тартиб-қоида комиссиясининг қарори (03.07.2023 й., №7/1а); ОАК Раёсати қарори (04.07.2023 й., №340/3).

**Раис** **А.Т.Юсупов**